

106-боб. «Қулим» демаслик



11:00 / 18.01.2021 2081

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз «қулим» ёки «чўрим» демасин. Чунки ҳаммангиз Аллоҳнинг қулларисиз, аёлларингиз эса Аллоҳнинг чўриларидир. (Уларни) «ғуломим» «жориям», «ўғлим», «қизим», десин», дедилар».

Шарҳ: Кўриниб турибдики, Ислом яна қулларнинг шаънини юқори кўтаряпти, хожаларга «қулим» ёки «чўрим» дейишни тақиқлаб, «ғуломим», «жориям», «ўғлим», «қизим» дейишни тавсия қиляпти.

Аслида, ростдан ҳам улар қул эди. Исломгача уларни биров одам ўрнида кўрмас ҳам эди. Бироқ Ислом уларга нисбатан бундай муносабатни ман қилди. Бу ҳам қулларнинг қадрини юксалтириш томон қўйилган илк қадам

бўлди.

Ислом қул ва чўриларга муомала қилиш пайтида ёки улар ҳақида бошқаларга гапирилатганда ҳам «қулим», «чўрим» каби Аллоҳнинг мазкур бандаларига озор бериши мумкин бўлган ибораларни ишлатмасликни, аксинча, ўша ноқулай сўзларнинг ўрнига уларга ёқимли бўлган «қизим» ва «ўғлим»га ўхшаш ибораларни ишлатишни йўлга қўйди.

Биз ушбу юксак одоб намуналаридан ўрнатқилишимиз, кишилардаги нуқсонни назарда тутиб, уларга ёқмайдиغان «шол», «кўр» каби сўзларни ишлатмаслигимиз лозим. Балки бу сўзларнинг ўрнига уларга ҳурмат маъносини англатувчи сўзларни истеъмолга киритишимиз матлубдир.

Мисол учун, ғарб давлатларида «шол киши» ўрнига «аравача ёрдамида юрадиган фуқаролар», «негр» ўрнига «асли африкалик дўстлар» деб аташ урф бўлган.

«Одоблар хазинаси» китобидан